

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

322 Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1807-4

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ–2270-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 30 апрелдаги 44, 2008-23-сон қарори (рўйхат рақами 1807, 2008 йил 16 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 180-модда) билан тасдиқланган Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2015 йил 8 июнь,
51-сон

Р. АЗИМОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2015 йил 8 июнь,
2015-18-сон

Б. ПАРПИЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2015 йил 8 июндаги
51, 2015-18-сон қарорига
ИЛОВА

**Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш
натijasида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг
ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-бандда:

«г» кичик бандда:

биринчи хатбошидан «ярим тайёр маҳсулотлардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни камида 80 фоизи экспортга йўналтирилиши назарда тутиб» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «экспортёр-корхонага» деган сўзлар «сотиб олув-чига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

«д» кичик бандда:

биринчи хатбошидаги «, санитария тозалаш ва газ таъминоти» деган сўзлар «ва санитария тозалаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 3-илованинг номидаги «, санитария тозалаш ва газ таъминоти» деган сўзлар «ва санитария тозалаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 5-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.